

"Ёш гвардиячилар"

ихтисослаштирилган синфлари

ташқил этилмоқда



Ўқувчи ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган чоратadbирлар доирасида туманимиздаги умумтаълим мактабларида ҳам “Ёш гвардиячилар” ихтисослаштирилган синфлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Термиз туманидаги 3-сонли умумтаълим мактабида ҳам ушбу синфнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Миллий гвардия ва «Қўриқлаш» бошқармаси, вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси масъуллари, нуронийлар, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тadbир доирасида ўқувчиларда ҳарбийларга ҳавас, Ватанга садоқат, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат ва фахр туйғуларини ошириш мақсадида, Миллий гвардия ходимлари томонидан турли кўргазмали чиқишлар, ўқувчилар томонидан тайёрланган сахна кўринишлари намойиш этилиб, шеър, қўшиқ ва рақслар ижро этилди.